

БАНК ОМОНАТ ШАРТНОМАСИ

№ _____

_____ ш.

“ _____ ” _____ 20__ йил.

Чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” АТБ (бундан буён матнларда “Банк” деб номланади) номидан _____ 20__ йилдаги _____-сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи банкнинг _____ филиали бошқарувчиси _____ бир тарафдан ва жисмоний шахс _____ (бундан буён матнларда “Омонатчи” деб номланади) иккинчи тарафдан, биргаликда эса “Тарафлар” деб юритилади, ушбу шартномани (Бундан буён матнда “Шартнома” деб номланади) қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

СМС хабар* – Омонатчининг розилиги билан унинг уяли алоқа телефон рақамига омонат ҳисобварағи орқали бажарилган амалиётлар тўғрисида юбориладиган хабар. Ҳамда омонатнинг муддати келиши тўғрисида омонат муддатидан 3 (уч) кун аввал юбориладиган хабар.

2. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

2.1. Банк мазкур шартномага асосан Омонатчидан пул маблағини омонатга қабул қилиб олади ва шартномада назарда тутилган шартлар асосида омонат суммасини қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

2.2. Банк омонатга фоизларни омонат банкка тушган куннинг эртасидан бошлаб, омонат маблағи омонатчига қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра омонатчининг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача ҳисобланади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**3.1. Омонатчининг мажбуриятлари**

3.1.1. Омонат ҳисобварағидаги пул маблағини олиш ниятида бўлса, бу ҳақда Банкни омонатни олишни мўлжаллаган санадан камида бир ой олдин ўзи ҳоҳлаган усулда хабардор қилади.

3.1.2. Шахсий реквизитлари (яшаш манзили, телефон рақами, шахсини тасдиқловчи ҳужжати) ўзгарган тақдирда, 10 (ўн) кун муддат ичида Банкни хабардор қилади.

3.1.3. Ўқотилган омонат дафтарча учун банкнинг хизмат ҳақи тарифига асосан банк хизмати тўлаш.

3.2. Банкнинг мажбуриятлари

3.2.1. Омонатчига омонат суммасини ва унга ҳисобланган фоизларни ушбу Шартноманинг 5.5-бандида белгиланган муддат келгандан сўнг тўлиқ қайтаришни таъминлайди. Агарда, омонатни қайтариш куни дам олиш ёки байрам кунларига тўғри келса, у ҳолда тўловлар кейинги банк иш кунида амалга оширилади.

3.2.2. Омонатчининг аризасига асосан нақд пулсиз маблағ ўтказиш бўйича топшириғини кейинги банк иш кунидан кечикмаган ҳолда бажаради.

3.2.3. Ёзув сатрлари тўлган, ёки яроқсиз ҳолга келган, ёки йўқотилган омонат дафтарча ўрнига Омонатчининг номига янги омонат дафтарча расмийлаштиради.

3.2.4. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Омонатчининг омонат ҳисобварағидаги пул маблағлари бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланган.

3.2.5. Омонатчилар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган чекловлар ўрнатишга ҳақли эмас.

3.2.6. Омонатчининг омонат ҳисобварағидан амалиётлар бажариш тўхтатилганлиги ёки унинг топшириғисиз омонат ҳисобварағидан маблағлар ўтказилганлиги тўғрисидаги хабарни Омонатчи танлаган усулда кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда юбориш.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

4.1. Омонатчининг ҳуқуқлари

4.1.1. Омонати бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси»га асосан ишончнома бериши ёки васиятнома расмийлаштириши мумкин.

4.1.2. Учинчи шахслар томонидан Омонатчининг омонат дафтарчасини ёки омонат дафтарча расмийлаштирилмаган бўлса омонат ҳисобварағи тўғрисидаги зарур маълумотларни тақдим қилганда омонат ҳисобварағига пул маблағлари кирим қилиниши мумкин.

4.1.3. Ёзув сатрлари тўлган ёки яроқсиз ҳолга келган, ёки йўқотилган омонат дафтарчалар ўрнига янги омонат дафтарча расмийлаштириб беришни талаб қилиш.

4.1.4. Ўзининг шахсий идентификация рақами, логин ва пароли ёрдамида масофавий банк хизмати тизимлари орқали омонат ҳисобварағи тўғрисидаги маълумотларни олиш.

4.1.5. “SMS хабар”ни омонат ҳисобварағи очиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган телефон рақамига юборишни талаб қилиш.

4.1.6. Банк хизматлари учун тўловларни амалга ошириш шаклини ўзи мустақил танлаш.

4.1.7. Омонат ҳисобварағидан амалиётлар бажариш тўхтатилганлиги ёки унинг топшириғисиз омонат ҳисобварағидан маблағлар ўтказилганлиги тўғрисидаги хабарни почта орқали / СМС хабар орқали / телефон орқали шахсан / олиш усулини (омонатчи томонидан тағида чизиш орқали белгиланади) танлаш.

4.2. Банкнинг ҳуқуқлари

4.2.1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунларига асосан омонат ҳисобварағи хатланганда, Банк томонидан омонат ҳисобварағи бўйича амалиётлар бажариш тўхтатилади. Омонатчининг ҳисобварағи хатланганлиги оқибатида Банк ушбу ҳисобварақдаги пул маблағларидан фойдалана олмаган давр учун фоиз ҳисобламайди.

4.2.2. Омонатчидан йўқотилган омонат дафтарча учун банкнинг хизмат ҳақи тарифига асосан банк хизмати ундириш.

5. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1.	Омонат номи / тури	_____ / _____
5.2.	Омонат суммаси	_____ (_____)
5.3.	Омонат дафтарча серия ва рақами	№ _____ / Омонат дафтарчасиз
5.4.	Омонатнинг муддати	___ (_____) ой
5.5.	Омонат муддатининг охириги санаси	IS_DVS_DATE
5.6.	Омонатни йиллик фоиз ставкаси *	___ (_____) фоиз
5.7.	Омонат ҳисобварағини ___ ойдан аввал ёпилганда белгиланган фоиз *	___ (_____) фоиз
5.8.	Омонат ҳисобварағини _____ ойдан сўнг омонатнинг муддати давомида ёпилганда белгиланган фоиз*	___ (_____) фоиз

5.9.	Омонат муддати тугагандан сўнг омонатни сақланган кунлар учун белгиланган фоиз *	____(_____) фоиз
5.10.	Омонатга қўшимча бадал киритиш	Мумкин / Мумкин эмас
5.11.	Омонатдан қисман чиқим қилиш	Мумкин / Мумкин эмас
5.12.	Омонат бўйича фоиз тўлаш тартиби	Ҳар ойда / Омонат ёпилганда
5.13.	Омонат ____ ойдан аввал талаб қилиб олинганда ёки шартнома бекор қилинганда, омонат фоизлар шартноманинг 5.7-бандига асосан қайта ҳисобланади ва ортиқча тўланган фоизлар омонат суммасидан чегириб қолинади.	
5.14.	Омонатни сақлаш муддати тугагандан сўнг омонат маблағи Омонатчининг “Талаб қилиб олингунча сақланадиган” омонат ҳисобварағига ўтказилади ва Шартноманинг 5.9-бандига белгиланган микдорда устама фоиз ҳисобланади.	
(*) – Белгиланган омонат фоизлари 365 кун ҳисобида олинади		

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар ушбу Шартномага асосан ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун амалдаги қонунчиликка асосан жавобгар бўладилар.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Шартнома омонат ҳисобварағи очилган кундан бошлаб омонат ҳисобварағи ёпилгунга қадар амал қилади.

7.2. Мазкур шартномага барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар тарафларнинг келишувига мувофиқ, шунингдек, мазкур шартномада назарда тутилган тартибда киритилади. Шартномага ўзгартириш ёки қўшимча киритиш истагини билдирган тараф, иккинчи тарафга бу ҳақда 10 кун олдин хабар бериши лозим.

7.3. Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ бекор қилиниши мумкин.

7.4. Ушбу шартнома бир тарафнинг талаби билан иккинчи тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган ёхуд қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

7.5. Банк омонат шартномаси шартларига Омонатчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган ўзгартиришларни Банк томонидан бир томонлама киритилишига йўл қўйилмайди.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

8.1. Агар шартнома иштирокчиларида ушбу шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ коррупцион ҳаракат содир этилганилиги тўғрисида маълумот, шубҳа, шубҳага асос бўлувчи далилга эга бўлса, бу тўғрисида иккинчи томонга ёзма шаклда хабар бериш мажбуриятини олади.

8.2. Хабарни олган томон ҳақиқатда коррупцион ҳаракат содир этилмаганлигини ёки содир этилмаслиги тўғрисида тасдиққа эга бўлгунча ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

9. МАХФИЙЛИК

9.1. Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида Тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.

9.2. Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа Тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади.

9.3. Мазкур талаб номуайян муддатга амал қилади.

9.4. Ушбу талабларни бузган Тараф бунинг оқибатида иккинчи Тарафга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплайди.

10. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу Тарафларнинг иродаси, хохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал ва бошқалар), халқаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидаги носозлик, банкнинг дастурий таъминот тизимига қилинган таҳдид (учинчи шахслар томонидан қилинган ҳужумлар) сабабли юзага келган шароитларда Тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.

10.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда Тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунигача қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.

10.3. Юзага келган Форс-мажор ҳолатлари ҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар яқунланган-лиги ҳақида Тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вақтдан бош-лаб, 3 банк иш куниди бу ҳақда иккинчи Тарафни ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

10.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидаги хабарномалар Тарафларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин (СМС ва ММС хабарлари бундан мустасно).

10.5. Форс-мажор ҳолатлари 30 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда Тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўладилар.

11. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.

11.2. Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳукуки бузилган Тараф томонидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи Тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим.

11.3. Талабнома ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади.

11.4. Тинч йўл билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикасининг Қонун-чилигида белгиланган тартибда Суд орқали ҳал этилади.

11.5. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга, Шартноманинг бир нусхаси Банкда, иккинчи нусхаси Омонатчида сақланади.

12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ, РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

“ОМОНАТЧИ”	“Б А Н К”
<i>(Омонатчи Ф И О)</i>	<i>(филиал номи)</i>
<i>(Омонатчи яшаш манзили)</i>	<i>(филиал манзили)</i>
Паспорт маълумотлари: _____	МФО _____ ИНН _____
Берилган сана: “ _____ ” 20 _____ й	х/в _____
Берилган жойи: _____ ИИБ	_____
Тел: _____	Алоқа маркази: 0 800 1-200-200 e-mail: contact@hamkorbank.uz
Омонатчи имзоси: _____	<i>(филиал раҳбари ФИО)</i> Раҳбар имзоси: _____ МУ